БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 72 (4171)
28 МАРТ, 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 нюлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш шаҳар штабининг матбуот маркази хабар беради

● **1981 йил ҳисобига.** 2-пойафзал фабрикасининг 200 дан ортиқ механизмаши «қизил шанбалик» куни ўн биринчи беш йиллик ҳисобига, 147 киши эса 1980 йилнинг декабрь ойи ҳисобига ишлайди. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига ташкил этилган коммунистик шанбаликда 2 мингдан ортиқ пойафзалчи иштирок этади.

Фабрика коллективи 45 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаради. Шундан 12 минг сўмлиги тежалган материаллардан тайёрланади. Тайёр маҳсулот омборига тикувчилик цехларидан 7,5 минг жуфт эркаклар, аёллар ва болалар пойафзаллари топширилади. Бундан анчагина қисми давлат Сифат белгиси билан тайёрланади.

Корхона территориясига минглаб туп дарахт ва бута кўчатлари экилади, 350 метр сув шахобчари тозаланади.

● **Ҳайдовчилар ваъдаси.** «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармасида 19 апрелдаги иш ҳажми аниқ белгиланган. Шу куни автотранспортчилар қурилиш майдонларига 54 минг тонна қурилиш материаллари ташийдилар. Ҳайдовчилар юксак унумли меҳнат қилишга, ортиш-тушириш вақтини иложи борича камайтиришга ваъда бердилар.

Бошқармага тозалаш ва ободонлаштириш ишлари ўтказиш учун бириктирилган территорияда машиналар ахлат ташийди. 480 туп дарахт экилади, «Узвторчермет» корхоналарига 26 тонна темир-терсак топширилади.

Анъанавий меҳнат байрамида 3,4 минг меҳнаткаш қатнашади. Бошқарманинг 50 ходими тог бағридаги «Автомобилист» пансионатига бориб, бу ерни ёзги мавсумга тайёрлашади.

● **Тежалган ёнилғи билан.** 5-автопаркнинг юзлаб ҳайдовчилари «қизил шанбалик» куни тежалган ёнилғи билан ишлашади. Иқтисодчиларнинг тахминий ҳисобига қараганда, шу куни таксининг тежалган ёнилғи билан ишлаши корхонага 18 минг сўмни иқтисод имконини беради. Ўнинчи беш йиллик фондига таксопарк 3,6 минг сўмни ўтказади.

Коммунистик шанбаликда 1400 киши қатнашади. Шундан ярми территорияни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланади. Таксичилар 500 дарахт ва бута экадилар, 1 километр ариқни тозалайдилар.

● **Беш йиллик фондига.** «Янгилик» ателъесининг 300 га яқин тикувчиси, бичувчиси 22 апрелда тошкентликларнинг кийим тикиш бўйича шахсий буюртмаларини бажаришади. Улар 5,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришади. У кунлик топшириқдан анча ортиқдир. Беш йиллик фондига 2 минг сўм ўтказилади.

Юздан ортиқ киши ателье атрофида ва унга туташ кўчаларда тозаликни йўлга қўйишади. Кўплаб дарахт ва бута кўчатлари, 500 метр ариқ тозаланади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Тошкентда ўқувчиларнинг касб танлаши ва техника ижодкорлигини янада ривожлантиришга бағишланган республика кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни Ўзбекистон илмий-техника жамияти республика Совети, Маориф министрлиги, Узсовпроф, Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети ва бошқа тегишли ташкилотлар уюштирди. Кенгаш қатнашчилари ёшларнинг касб танлаши ва ҳунар ўрганишини яхшилаш, техника ижодкорлигини ўстириш масалаларини кенг муҳокама қилишди.

Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими мажлислар залида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ўлмас Алиҳўжаев билан учрашув ўтказилди.

Санъаткорнинг меҳнат ва ижодий фаолияти йиғилганларни гоят қизиқтирди. У меҳнат фаолиятини Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида слесарликдан бошлаб, кейин Островский номли театр ва рассомчилик институтини битирди. У ўтган йиллар мобайнида тўқсонта ролни ижро этди. Санъаткор йиғилганларга «Ўтган кунлар» фильмида бош ролни ва айниқса, «Оловли йўллар» кўп серияли телевизион фильмидаги инқилоб куйчиси Ҳамза образини яратишдаги изланишлари ҳақида сўзлаб берди.

Ҳозир артист «Милиция хроникаси» фильмида суратга тушяпти.

Бугун

Тошкент эксперимантал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати мутахассислари Тошкент Давлат университети учун В. И. Ленин ҳайкалини тайёрлашга киришдилар.

Тошкентлик ҳайкалтарош В. В. Клеванцов ва архитектор С. М. Сутягин лойиҳаси асосида тайёрланаётган доҳий ҳайкали бронзадан қуйилади. Беш метрлик ана шу ёдгорликда В. И. Ленининг ёшлик даври ёркин ифодасини топади.

Доҳийнинг янги ҳайкали Тошкент Давлат университетининг 60 йиллигига муносиб совға бўлади.

1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг Н. Ванни бошчилигидаги комплекс бригадаси юз квартирали уйнинг пойдеворини тиклаш ишларини ниҳоясига етказди. Янги беш қаватли уй Оҳангарон шоссесининг 5-микрорайонида қурилянти.

Бошқарма бригадалари ўртасида пешқадамлик қилаётган ана шу коллектив кунлик топшириқни ҳамиша ошириб бажарянти.

Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу йил хорижий мамлакатларга экспорт қилган кўприк кранлари 20 тага етди.

Бирлашмада тайёрланаётган кўприк кранлари жаҳон бозорида қизиқиш уйғотяпти. Ўтган йили коллектив ўндан ортиқ мамлакатга ўз маҳсулотини юборди. Бу йил эса хорижий буюртмачиларга 110 та кўприк кранн етказиб берилади. Ҳозирнинг ўзида Мўғилистон, Польша ва Кубанинг буюртмалари бажарилди.

Эртага

Свердлов номли концерт залини болалар — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган ўқувчиларнинг VI республика «Санъат байрами» қатнашчилари тўлдиришади.

Бу ерда байрам-конкурси лауреатларининг якунловчи концерти бўлади. Беш кун мобайнида пойтахтимизнинг концерт залларида, маданият саройлари ва клубларда болаларнинг шўх ва қувноқ қўшиқлари янгради. Умумий таълим ва музика мактабларининг ўқувчилари, пионерлар уйлари ва саройлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик ансамбллари ва тўгаракларининг қатнашчилари ижрочилик маҳоратларини намойиш этишди. Ана шу ижодий кўрикнинг ўнлаб голиблари республика конкурси лауреатлари бўлишди.

Ҳозир республикамиздаги 7423 та умумий таълим ва 261 та музика мактабининг ўқувчилари қўшиқ айтиш, рақс тушиш, музика асбобларида чалишни ўрганишяпти. Тасвирий ва ҳалқ амалий санъати билан шуғулланишяпти.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

БРИГАДИРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ

...2-тўқувчилик фабрикасининг 2-цехида В. Громцев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин шу бригаданинг шонли ишларини ҳозир комбинатда кўпчилик яхши билади.

Мастер ёрдамчиси Владислав Громцев бошлиқ комплектда қобилиятли тўқувчилар Наташа Харламова ва Венсурия Хаметова ташаббус билан меҳнат қилишади. Улар «АТПР-100» маркали янги пневморапирли станокларга хизмат қилишади. Тўқувчилар дастлабки кунларданоқ топшириқларини орти-ғи билан ado этиб, юксак сифат кўрсаткичларига эришишяпти. Бунда участкада меҳнат яхши ташкил этилганлиги, юксак касб-маҳорати, бригада аъзоларининг интизомлилиги ўз натижасини кўрсатяпти.

Владислав Громцев тўқувчилик ускуналарини созлаш маҳоратини тажрибали ишчилардан ўрганган. У ўз комплектидаги барча станокларни юксак техник ҳолатда сақлайди. Бу нарса коллектив муваффақиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўляпти.

Наташа Харламова Тошкентга Уралдан тўқувчилик касбига ўргатиш мақсадида келган. Уч йил муқаддам у 85-ҳунар-техника билим юртини аъло баҳога битирди. Дастлаб унга эски тўқувчилик станокларини, кейин эса «АТПР-100» станогини ишониб топширишди. Гарчи кўп нарсани янгитдан ўрганиш лозим бўлса ҳам, қиз барча қийинчиликларни мардона енгиб ўтди.

Венсурия Хаметова тўқувчилик касбини Эстонияда ўрганган. Тошкент комбинатига келганида у тажрибали ишчи эди.

Характери турлича бўлган ёшлар бригадада тезда дўстлашиб кетишди. Владислав ҳам, Наташа ҳам, Венсурия ҳам баракали меҳнат қилишяпти. Улар ҳаммадан аввал сменага келиб, ускуналарни пухта созлашади, цехда биринчи бўлиб станокларни ишга туширишади.

Доҳий юбилейини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрган тўқувчилар ҳозир (нормадаги 35 станок ўрнига) 48 та янги станокка хизмат қилишга ўтишди. Бригададаги ўртача кўрсаткич 112—115 процентни ташкил этади. Бунда ҳамма маҳсулотнинг аъло сифатда бўлиши таъминланяпти. Улар ўз тажрибаларини бошқалар билан ҳам бажонидил баҳам кўришяпти.

В. Громцев А. Шокировни мастер ёрдамчиси касбига ўргатиб, унга оталиқ қилишни давом эттиряпти. Эндиликда ёш ишчи ўз устозининг сменчиси бўлиб ишлаб, у ҳам нормаларини ортиғи билан ado этаяпти.

— Громцев бригадаси корхонадаги энг яхши коллективлардан саналади, — дейди комсомол комитетининг секретари В. Зинченко,— унинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлганлиги янги меҳнат зафарларига эришишга, янада самарали ва сифатли меҳнат қилиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга илҳомлантиради.

А. ГЕХТЛЯР.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — УЛУҒ ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИНГА

ШОНЛИ АНЪАНАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Биринчи беш йилликларнинг фарзанди, республика пойтахтидаги энг катта корхоналардан бири — Тошкент тўқимачилик комбинати ўнлаб машҳур ишчиларга, минглаб меҳнат зарбдорларига, ажойиб ишчи анъаналарига эгадир. Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг 27 март куни бўлиб ўтган пленуми комбинат ишини яхшилашнинг қўшимча тадбирларини муҳокама этди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Докладда ва пленум қатнашчиларининг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, тўқимачилик комбинатида зарбдор ишнинг бой тажрибаси тўпланган, меҳнат унумдорлигини оширишнинг самарали усуллари яратилган, кўпгина меҳнат фронтлари ғужурга келган, беш йиллик гвардиячилар. — кўп станокчиларнинг шонли отряди ўсиб етишган. Цехларда минглаб янги асбоб-ускуналар пайдо бўлди, бу эса Ўзбекистондаги тўқимачилик тармоғи байроқдори янгиланиш бошқармаларининг бинокорлари катта ҳисса қўшмоқдалар. «Бешёғоч» микрорайонини бунёд этаётган қурувчилар йил охирига қадар бу ерда ўнга яқин турар жойларни фойдаланишга топширишга қарор қилишган.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

МОНТАЖ ТУГАЛЛАНДИ

бинокорлари

БУГУН

бу ерда дастлабки тўққиз қаватли турар жойни монтаж қилишни тугаллашди.

Комбинат қўлга киритаётган ютуқларга 2-монтаж, 3-пардозлаш бошқармаларининг бинокорлари катта ҳисса қўшмоқдалар. «Бешёғоч» микрорайонини бунёд этаётган қурувчилар йил охирига қадар бу ерда ўнга яқин турар жойларни фойдаланишга топширишга қарор қилишган.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Киров район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўрилди. Г. Қ. Ҳайдарова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

М. С. Камолова Киров район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров сўзга чиқди.

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

ПРОСПЕКТНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ

Шаҳримизда олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ойлиги кунларида Собир Раҳимов районидаги София проспекти жамоли янада кўркамлашиб бормоқда.

Ўтган шанба куни «Ўзбекгидроэнергострой», 1-касалхона хизматчилари ва 28-мактабнинг 5, 10-синф ўқувчилари проспектдаги ирригация шахобчаларини чиқиндилардан тозалаш билан бирга дарахтлар тагини оқлашда уюшқоқлик билан иштирок этишди. Ҳашарчилар томонидан йиғилган чиқиндилар машиналарга пешма-пеш ортилиб, шаҳар чеккасига чиқариб ташланди. Проспектдаги ремонт талаб бўлган жойларга эса район ободонлаштириш бошқармасига қарашли йўлсозлар асфальт ётқизишди.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ,
автор фотоси.

Қизғин дамлар

Тошкент шаҳар марказлаштирилган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 2521-автоколоннаси коллективи бир неча йилларидан бери ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Яшил ниҳолларни ўтказиш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бундан бир неча йил муқаддам Генерал Петров ва Хабаровск кўчалари туташган ерда ҳар хил ахлатлар, рўзғор чиқиндилари сочилиб ётар эди. Автоколонна коллективи ана шу территорияни тартибга келтиришга қарор қилди. Ҳайдовчилар, ремонтчи ишчиларнинг кучи билан майдонча тозаланди, транспортчилар ер чопиб гул ўтқазадилар. Шундан бери бу ерда озодалик ҳукмрон. Баҳорда гуллар очилиб ётади.

Улуғ Ватан уруши ветерани, корхона маъмурий-хўжалик бўлимининг бошлиғи Юрий Идрисович Князев автоколонна территориясини ва туташ кўчаларни ободонлаштириш ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқда. У ёрдамчи ишчилар М. Поносова, Ф. Шорахмедова, О. Тўрақуловалар ва бошқалар билан биргаликда автоколонна территориясини, ёрдамчи хоналарни ҳар куни тозалаб чиқади.

Автоколонна мутахассислари корхона территориясини ва туташ кўчаларни ҳамиша тартибда сақлаш мақсадида сув сепувчи ва супурувчи автомобилни механизм ва мосламалар билан жиҳозладилар. Бостирма типидаги мослама яратилди. Об-ҳаво шароитига кўра уни зарур механизм билан алмаштириш мумкин. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштир и ш икки ойлигининг ва зифаларидан келиб чиқиб тузилган план бўйича яқин орада автоколонна территориясида ва корхонага туташ кўчаларда қўшимча равишда жуда кўп дарахтлар, гуллар ўтқазилади. Яшил майдонлар, гулзорлар тартибга келтирилиб, тупроққа ўғит солинмоқда.

Яқин кунларда автоколонна ходимларининг кучи билан дарахтларни, ишлаб чиқариш ва маъмурий хоналарни оқлаш, эшик ва ромларни бўяш, бошқа хўжалик ишларини бажаришни тугаллаш мўлжалланмоқда.

В. ТИТОВ,
2521-автоколонна катта инженери.



КЎЧАТ ВА ЯШИЛ ТУСИҚ УТҚАЗИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 27 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(биринчи устун—районлар ва шаҳар ижроия комитети бошқармалари; иккинчи устун—ўтқазилган кўчатлар (минг туп); учинчи устун — ўтқазилган яшил тўсиқлар (минг туп); тўртинчи устун—планнинг бажарилиши (процентларда))			
Куйбишев райони	21,6	54,3	100,5
Собир Раҳимов	21,3	52,1	98,2
Киров	22,0	50,0	95,3
Фрунзе	20,6	50,2	94,4
Чилонзор	21,5	47,4	91,2
Акмал Икромов	20,0	43,1	89,8
Сергели	17,6	49,6	89
Ҳамза	19,9	46,9	88,4
Ленин	20,1	45,2	86,4
Октябрь	18,0	42,0	79,4
Шаҳар халқ маорифи бош бошқармаси	17,8	20,6	116
Маданият бошқармаси	10,0	28,0	115
Умумий овқатланиш бошқармаси	9,1	23,5	105
Уй-жой бошқармаси	10,0	23,0	100
Савдо бошқармаси	7,0	24,5	100
Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси	5,8	22,7	95
Сув хўжалиги бошқармаси	7,7	21,00	92,5
Бошқармалар бўйича	106,4	276,9	88,1
Шаҳар бўйича	346,4	854,9	92,4

МАЪЛУМОТ ШАРҲИ: Куйбишев райони меҳнаткашлари кўчат ва яшил тўсиқлар ўтқазиш планини районлар орасида биринчи бўлиб бажаришди. Шунга қарамай районда кўчат ўтқазиш ишлари давом этмоқда, микрохиёбонлар вужудга келтирилянти. Аммо, республика Қурилиш министрлиги, «Ўзбекбирлашув» ва Соцнал таъминот министрликларининг коллективлари бу муҳим ишда ҳамон қолоқликка йўл қўйишмоқда. Ҳар бир ташкилот кўчат ва яшил тўсиқ ўтқазиш бўйича топшириқларни кечиктирмасдан бажариш шарт эканлигини унутмасликни лозим.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежнев темирчилик-пресс жиҳозларининг нодир автомат станоклари ва комплектларини яратиш ҳамда уларни тиғиз муддатларда сериялаб ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ажойиб муваффақиятлари муносабати билан СССР 50 йиллиги номли Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Воронеж оғир механик прессларишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини самимий табриклайди.

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сальвадор Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Сальвадор коммунистларига қардошлик табрикларини йўллайди.

● Горький областининг Дзержинск шаҳрини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

Ўсмир тарбиясига бағишланди

Октябрь районидаги Алишер Навоий номли маданият уйи коллективи Ильич маҳалласида ўсмирлар тарбиясига бағишланган қизиқарли тадбир ўтказди. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи ота-оналарнинг юристлар билан учрашуви уюштирилди.

Район халқ суди, прокуратураси ва милициясининг ходимлари ўсмирлар ўртасида майда безориликка қарши олиб бораётган профилактика ишлари ҳақида сўзлаб беришди. Бу ишда жамоатчиликнинг актив иштироки муҳимлиги таъкидланди. Республикамизда хотин-қизлар озодлиги учун курашнинг фаол қатнашчиларидан бири, халқ маслаҳатчиси Хайриниса Содиқова фарзанд тарбиясида отаонанинг бурчи ҳақида гапириб, кўпгина ибратли фикрлар билдирди.

Маданият уйи коллективи ана шундай тадбирларни шу атрофдаги бошқа маҳаллаларда ҳам уюштирянти.

ҲАДДАН ТАШҚАРИ КАМСИТИШ

● ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

АҚШда сайлов олди кураши авж олмоқда. Ҳозирги вақтда «Прайм-мариз» деб аталган дастлабки сайловлар ўтмоқда. Бу сайловда икки буржуа партияси — демократлар ва республикачилар партиясидан президентликка номзодлар танлаб олинадилар.

Демократлар орасида АҚШнинг ҳозирги президенти Ж. Картер билан машҳур сиёсий арбоб сенатор Э. Кеннеди ўртасида рақобат авж олиб кетди. Сайлов олди пойгасида ҳозирча Ж. Картер олдинда бормоқда. У дастлабки сайлов ўтказилган кўпчилик штатларда ўзининг асосий рақибига нисбатан устун чиқяпти. Кеннеди эса, фақат битта— Массачусэтс штатида ғалаба қозонди. У АҚШ конгрессига шу штатдан сайланган. Аммо, Америка шарҳловчиларининг фикрича, кураш ҳали олдинда, чунки ҳамма нарса аҳоли тиғиз яшайдиган штатларда ўтказиладиган дастлабки сайловларга боғлиқ. Э. Кеннеди эса курашни охиригача давом эттираман, деб таъкидламоқда.

Ж. Картер сайловчиларга қилаётган мурожаатларида шовинистик, милитаристик кайфиятларни пропаганда қилишга интилмоқда. Маълумки, унинг маъмурияти ўз сиёсатини бирданига тамомила ўзгартириб, халқаро кескинликни юмшатишга путур етказиш, қуроллашиш пойгасини авж олдириш йўлига ўтиб олди.

Калифорния штатининг собиқ губернатори Р. Рейган Ж. Картерга ёндошиб борляпти. У республикачилар партияси арбобларини ўртасида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Р. Рейган очиқданочиқ ўнг қарашларни қувватламоқда, ташқи сиёсатда «қаттиққўллик бўлиш», қуролланиш пойгасини авж олдириш йўлига ўтиб олди.

Сайлов олди кураши Америка буржуа матбуоти тасвир этишга уринаётганидек, Америка сайловчиларининг фикр-ҳохишини сира ҳам билдирмайди. Жамоат фикрини сўраб чиқиш натижалари Ж. Картернинг ҳам, Р. Рейганнинг ҳам обрўси ғоят тушиб кетганлигини кўрсатди. Ҳар иккала арбобнинг сайлов олди курашида олдинда боришига аввало сабаб шуки, уларни АҚШдаги монополистик капиталнинг нуфузли гуруҳлари қўллаб-қувватламоқда.

АҚШда сайловчиларга бошқача йўлни таклиф этиш борасидаги ҳар қандай уринишлар Америка маъмурларининг кескин қаршилигига дуч келмоқда. Маъмурларнинг АҚШ Коммунистик партиясига нисбатан мислсиз камситиш сиёсати шу жиҳатдан яққол мисол бўла олади.

Америка коммунистларининг сайлов олди платформаси мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий проблемаларини самарали ҳал этишни, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашни, қуролланишт пойгасидан воз кечишни назарда тутади. Маъмурлар бундай йўлнинг кенг сайловчилар оммасига манзур бўлишини тушуниб, Компартиянинг сайловолди фаолиятига ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилмоқда. Масалан, Огайо штати маъмурлари президент ва вице-президент лавозимларига Компартиянинг номзодлари сифатида АҚШ Компартиясининг бош секретари Г. Холлни ва таниқли жамоат арбоби, ирқчиликка қарши актив курашчи А. Дэвисни рўйхатга олишдан бош тортдилар. Ҳолбуки, Компартиянинг номзодларини қўллаб-қувватловчи баённомага штат қонунида талаб қилинганидан икки баравар кўп Огайо аҳолиси имзо чеккан эди. Коммунистик партия маъмурларнинг бу ўтакетган бебошлигига қарши қатъий норозилик билдирди. Коммунистларнинг Америка меҳнаткашлари ҳуқуқлари учун кураши давом этмоқда.

И. АБЛАМОВ,
ТАСС шарҳловчиси.

• *Коммунистнинг шахсий намунаси*

Фронтда ва меҳнатда

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган киши кўплар қатори узоқ йиллар меҳнат фаолияти давомида қанчадан-қанча шогирдлар етиштирган, эзгу ишларни амалга оширган, саховатли инсон, кекса коммунистдир.

Пётр Григорьевич Скрябин 15 йилдан буён Тошкент тажриба-техника заводида меҳнат қилиб келади. У олтинчи разрядли слесарь.

...Дастлаб бу даргоҳга ишга келганда ўзининг ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги, доим янгилик изловчилиги билан танила борди. Унинг шу кунгача етиштирган шогирдлари 20 дан ошди. Улар ҳозир пойтахтимиздаги турли корхоналарда муваффақиятли меҳнат қилишяпти. Ҳаким Мирдадаев, Борис Кравцов, Александр Лазаревлар эса устозлари билан бир корхонада меҳнат қилишяпти.

Улардан бири, пружина тайёрлаш цехи бошлиғи Ҳаким Мирдадаев ўз устози ҳақида жуда ўринли гап айтди:

— Пётр Григорьевич камтарин, ширинсўз, шогирдларидан ёрдам ва маслаҳатларини аямайди. Агар шогирдлари ишида бирор камчилик ёки нуқсон сезса, овозини кўтармайди, йўриғи билан тушунтиради, тузатишга ёрдам беради.

Ветеран ишчи ҳозиргача 30 га яқин рационализаторлик таклифини жорий этиб, 35 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирди. «Скобаларни рамага механик равишда қисувчи станок», «Пружинали блоклар рамаларини йиғувчи мосланма» сингари қимматли таклифлари ана шулар жумласидандир. 1978 йили унга рационализатор лик таклифлари билан заводга қўплаб нафе келтиргани учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор» фахрий унвони берилди.

Кекса коммунист шу кунларда ёшлар мураббийси сифатида мураббийлар советига раислик қиляпти.

Бизга ўз ишлари ҳақида гапирар экан, сўз ниҳоясида шундай деди:

— Мен ўз касбимдан ҳурсандман, ҳалол меҳнатим билан Ватанга, партияга хизмат қилаётганлигим билан бахтлиман.

Пётр Григорьевич слесарлик, токарлик, пайвандчилик ҳам қила беради. Жами 7 хил касб эгаси. Ҳар ойда ўртача 500 килограммдан қора металл тежаб қолади.

Кўп йиллик самарали меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Октябрь Революцияси ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонлари ана шундан яққол далолат бериб турибди.

У Улуғ Ватан уруши жангларида ҳам актив қатнашган. Висла дарёсидан Берлингача бўлган суронли жангларда иштирок этиб, ғалабадан сўнг она-юртга қайтди. Жангларда жўрсатган жасорати учун II даражали Шуҳрат ордени, «Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Ғалабанинг 30 йиллиги» медаллари билан мукофотланган. У ҳақдаги лавҳамизни завод партия ташкилоти секретари Венямин Федорович Курочкининг мана бу сўзлари билан якунламоқчимиз:

— Пётр Григорьевич доимо ойлик планларини 150—160 процентдан бажаради. 19 апрель— Коммунистик шанбалик куни завод ишчилари 10,5 минг сўм маҳсулот ишлаб чиқаришмоқчи ва беш йиллик фондига қўплаб маблағ ўтказишмоқчи. Пётр Григорьевич бу сана айёмларида 55 ёшга тўлади, меҳнат фаолиятига эса 35 йил. Биз унга бунёдкорлик ишларида муваффақиятлар тилаймиз. Корхонамизнинг ҳар бир ишчи-коммунисти ундан ўрнак олса арзийди.

С. МУСАЕВ.



Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикаси коллективи доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга аҳд қилган. Корхонанинг кўплаб ишчилари эса худди ана шу кунн беш йиллик план топшириқларини бажариш мажбуриятини олиб ишлашяпти. Шулардан бири фабрикада 25 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Вазира Абдуллаевадир. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу аёл кунлик план-топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этяпти.

СУРАТДА: В. Абдуллаева.
И. Шонногомов фотоси.

ТО справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. НАЗАРОВ, С. БОЛТАБОЕВ: Биз, бир группа бухоролик студентларни Тошкентдаги сув спорти саройининг қачон, қайси архитектор лойиҳаси асосида қурилгани қизиқтиряпти. Шунга жавоб беришларингизни сўраймиз.

Жавоб: Пойтахтнинг 1 Май кўчасидаги Максим Горький номидаги болалар боғида сув спорти саройи кўпчилик меҳмонлар эътиборини ўзига тортади. Бу сарой 1964 йилда бунёд этилган. У архитекторлардан Л. В. Лизовская ва Л. Чуксеевлар лойиҳаси асосида яратилган. Бинонинг ичида узунлиги 50 метрли ҳавза бор. Спорт саройида болалар ва катта ёшдаги кишилар сузишни машқ қиладилар, кексалар учун соғломлаштириш группалари ташкил этилган.

Шунингдек, бу ерда спорт мусобақалари ва машғулотлари ўтказилади.

* * *

С. НИЁЗБЕКОВ: Мен қурилиш соҳасидаги ҳунар-техника билим юртини битирган ёшлар агар бир ярим йил ўқиган бўлсалар — қурилиш объектларида камида икки йил ишлаб беришлари, агар бир ярим йилдан зиёд ўқиган бўлсалар — камида уч йил ишлаб беришлари мажбурийдир.

* * *

К. ТЕМУРОВ: Ҳурматли редакция! Корхона маъмурияти меҳнат интизомини бузганлиги учун жазо чораси тариқасида ишчининг разрядини пасайтиришга ҳақлими ёки йўқми?

Жавоб: Меҳнат интизомини бузганлик учун огоҳлантириш, виговор, қаттиқ виговор бериш ва ҳоказо чоралар кўриш мумкин. Аммо, фақат шуни деб маълум муддатгача ёки бемуддат ишчи разрядини пасайтириш асло мумкин эмас. Бу меҳнат қонунига хилоф иш ҳисобланади.

* * *

С. ОБИДОВ: Мен автохўжаликда ишлаб келаётган эдим, автобус ҳайдардим. Бир куни эски билетларни сотишда айбланиб ишдан бўшатиб юборишди. Мен ўн беш йиллик меҳнат стажига эгаман, наҳотки бир марта қилган шу айбим учун ишдан бўшатишса?

Жавоб: Меҳнат қонунларига кўра маъмурият ишончни йўқотган, яъни ўз вазифасини суиистеъмол қилган шоферларни йўловчи ҳақини уриб қолгани, тушган пулни ўмаргани, ҳатто эски билетларни сотгани учун ҳам ишдан бўшатиб юборишга ҳақлидир.

* * *

Ф. МАҲМУДОВА: Кекса, пенсионер-коммунистлар аъзолик взносини қай тарзда тўлашлари керак? Шу ҳақда маълумот беришларингизни илтимос қиламан.

Жавоб: Инструкцияга кўра, пенсионер-коммунист аъзолик взносини умумий асосларда, яъни пенсияси ва бошқа иш ҳақига қараб тўлайди. Ишлайдиган пенсионер-коммунист аъзолик взносини пенсия ва иш ҳақи юзасидан тўлайди.

* * *

Ф. РЎЗИМУРОДОВ: Мен СССР Ички ишлар министрлигининг олий милиция мактабида ўқимоқчиман. Бунинг учун қаерга боришим ва кимга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Сиз ниятингизни амалга ошириш учун Навоий кўчасидаги 9-уйда жойлашган СССР Ички ишлар министрлигининг олий милиция мактабига боришингиз лозим. Мактаб қабул комиссиясининг аъзолари ёки масъул ходимлар ўқишга кириш учун қайси фанлардан имтиҳон топширишингиз, қандай ҳужжатлар тайёрлашингиз лозимлиги ҳақида батафсил маълумот беришади.

• *Беш йиллик илғорлари*

Интилганга толе ёр

Киши ёшлик чоғида не-не касбларни орзу қилмайди, дейсиз. Нортожи ҳам ўнинчи синфни тугатгач, бу ҳақда кўп ўйланиб қолди. Шунда онаси унга тикувчи бўлишни маслаҳат берди. Нортожи ҳеч иккиланмай В. И. Ленин номли якка тартибда буюртмалар тикиш ва ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келди. Дастлаб у бу ерда чеварлар тайёрлайдиган қисқа курсни ўқиб тугатди.

Нортожи бирлашма остонасига қадам қўйганидан бошлаб ўзининг меҳнатга ташна, қалби олов ёшлардан эканлигини кўрсата бошлади. Тажрибали тикувчилардан сабоқ олиб, қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этди. Меҳнатсеварлиги туфайли тезда тилга тушди, смена топшириқларини юз фойиздан ошириб адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўла бошлади. У буюртмаларни мижоз истаганидек, тез ва соз ҳамда чиройли қилиб тикиб беради.

— Агар мижоз бизнинг ишимиздан ҳурсанд бўлса, бу меҳнатимизга берилган катта баҳодир.— Мен ва меҳнат қилаётган тикувчилар аҳоли бу юртмасини доимо сифатли қилиб тайёрлаб беришга интиляпмиз. Зеро, бугунги фаровон турмушимизда замонавий, чиройли кийимлар тикиб бериш бизнинг асосий мақсадимиздир. Чевар ҳам ҳудди ижодий кишилар каби доимо изланишда бўлиши керак. Бу унинг келгусидаги муваффақиятларини таъминлайди,— дейди Н. Очилова.

Дарҳақиқат, шундай. Нортожи Очилова бу ерда ҳалол меҳнат қилиб келаяпти. У ўтган йилги топшириқни ўнинчи декабрдаёқ адо этиб, бирлашмада пешқадамлар сафидан ўрин олган эди. Бугунги кунда моҳир чевар ёшларнинг ҳам севимли устозидир. М. Неъматова, Д. Қосимова, О. Сатторова каби чеварлар опанинг муносиб шогирдларидир. Уларни доимо қизғин меҳнат жабҳасида учратасиз.

«Меҳнат қилган элда азиз», — дейди халқимиз. Нортожи опа Очилова ҳам ҳалол меҳнати эвазига коллективнинг ва мижозларнинг ҳурматини қозониб келаяпти.

С. ГОФУРОВ,
ТошДУ студенти.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми

ХАТЛАР

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

Доришуносларнинг эзгу меҳнатини заргарлар ишига ўхшатса бўлади. Ҳар бир беморнинг сиҳат-саломатлигига, аҳволруҳиятига қараб дори тайёрлаш, уни вақтида етказиб бериш осон иш эмас. Халқимиз соғлиғини сақлаш, уни муҳофаза қилишда доришуносларнинг ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Бу ишда шаҳар дорихоналар хизматчилари ҳам алоҳида намуна кўрсатишяпти.

Пойтахтимиз аграр коммунистик меҳнат коллективи номини олган 56-дорихона ҳам намунали хизмат қилаётган дорихоналардан бири ҳисобланади. Бу дорихона ўтган йили 126 беморга, шу жумладан Улуғ Ватан урушининг ўттиз икки иштирокчисига буюртмалар асосида дори-дармонлар етказиб берди. Шу нарса диққатга сазоворки, дорихона хизматчилари ёлғиз ёки оғир беморларга, Улуғ Ватан уруши инвалидларига дори-дармонлар етказиб беришмоқда.

Экстемпорал дорилар билан таъминлаш борасида дорихона телефон орқали врачлардан буюртма олади, натижада бемор дори-дармон билан тезда таъминланади.

Дорихона ходимларининг бундай яхши хизматидан миннатдор бўлган ўнлаб беморлар ўзларининг қалб сўзларини дорихона таклифлар дафтарчасига ёзиб қолдиришган.

Шаҳримиздаги 1, 4, 8, 10, 40- ва бошқа бир қатор дорихоналар ҳам шундай намунали хизмати билан эл таҳсинига сазовор бўлмоқда.

А. ЗИЯМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармаси провизор-инспектори.



Штатсиз фотомухбир Ҳ. Мирзакаримов яқинда «Сувеншир» фабрикасида бўлиб коллективнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бир нечта суратлар олиб қайтди. Ушбу фотолавҳада Сиз корхонанинг пешқадам ишчиларидан (чапдан-ўнгга) Е. Цибульская, Н. Акрамова, Д. Бобохўжаева ва С. Тўлагановаларни кўриб турибсиз.

● МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Наврўз байрами

Киров районидаги Герман Титов номли 96-мактаб биносига «Янги ариқ», «2-«Кисловодск» маҳалла аҳолиси наврўз байрамини ўтказиш учун ташриф буюришди. Меҳмонларга баҳор ноз-неъматларидан тайёрланган дастурхон безатилди. Мактаб ўқувчилари эса ота-оналарига гўзал баҳорнинг дастлабки гули бўлган бинафшаларни тақдим этишди.

Наврўз байрамини «Янги ариқ» маҳалла комитетининг раиси А. Мирзаев очиб, баҳор байрами билан йиғилганларни табриклади ва наврўз байрами тарихи билан меҳмонларни таништирди.

Наврўз байрами шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги кунига тўғри келди. Кўча ва майдонларни тозалаш, шаҳримизни энг кўркам жойлардан бирига айлантириш борасида барча аҳолининг актив иштирок этиши, бунда ўқувчиларнинг ўзларига биркитилган участкаларда уюшқоқлик билан ҳашарларга чиқишлари айтилди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
пенсионер.

● ХАТЛАРИНГИЗНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

Магазин нега кўчирилди?

Олой бозоридаги радио магазини бошқа жойга кўчирилибди. Шунга ўхшаш яна бир қанча магазинлар нима сабабдандир ишламаётир. Бу ердагиларнинг айтишича, кейинчалик ихтисослаштирилган магазин очилар экан. Шу тўғрими?

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир группа тикувчилари номидан:
М. САЛИМОВА ва бошқалар.

Газетхонлар хатини «Ташхозкулттоварлар»нинг ташкилий бўлим мудири вазифасини бажарувчи А. ҚИРҒИЗБОЕВ шундай шарҳлайди:

— Ҳақиқатан ҳам Олой бозоридаги радио ва телевизорлар билан савдо қилувчи магазин ўрнига соат, кино ва фото аппаратлар ҳамда канцелярия буюмлари билан савдо қилувчи ихтисослаштирилган магазин очилди. Бу ердаги радио ва телевизорлар билан савдо қилувчи бўлим эса шаҳримизда яна бир бошқа ишга туширилган ихтисослаштирилган магазинлар ҳисобига ўтказилди. Бундай магазинлар Сариқуль кўчасида ва Киров кўчасидаги 17-уйда жойлашган 55-магазинлардир.

Шаҳримизда ихтисослаштирилган магазинларнинг очилиши харидорлар учун айни муддаодир. Шунинг учун ҳам ана шундай магазинларни очиш қўпайтирилмоқда. Яқинда Халқлар дўстлиги проспекти ва Муқимий кўчалари бурчагида мусиқа ихлосмандлари учун мўлжалланган янги ихтисослаштирилган 40-магазин ҳам харидорларга хизмат кўрсата бошлади.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

Янада гуллаб-яшнайди

Ленин ва Куйбишев районлари меҳнаткашларининг шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказиш ҳақидаги ташаббуси Чилонзор райони меҳнаткашлари томонидан қизғин кутиб олинди. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳозирлик кўраётган район ободонлаштириш бошқармаси ишчилари райондаги метро станциялари атрофини ва кўчаларини ободонлаштиришда яхши иштирок этишмоқда. Дарахтларнинг ортиқча шохларини буталаш билан бирга 15 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ ўтказиб бўлинди. Улар райондаги барча кўча ва хиёбонларнинг янада кўркам бўлиши учун уюшқоқлик билан умумхалқ ҳашарига чиқишмоқда.

А. НОСИРБЕКОВА.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

Ўриндиқ керак

Муқимий кўчасидаги 24-трамвай тўхтайдиган бекатда ҳанузгача бирорта ўриндиқ йўқ. Йўловчилар, айниқса кексалар транспорт кутишиб, толиқиб қолишмоқда. Фрунзе район ободонлаштириш бошқармасидагилар ана шу бекатга ўриндиқ ўрнатишса, жуда кўплаб йўловчиларнинг ҳожати чиққан бўларди.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Ўз вақтида ололмаяпмиз

Биз истиқомат қилаётган Октябрь районидаги 21-алоқа бўлими почтальонлари хатхабар ва газета-журналларни мунтазам равишда икки-уч кун кечиктириб олиб келадиган одат чиқаришган. Баъзида эса ҳафталаб почтальонлар кўринмай кетишади. Бу ҳақда 21-алоқа бўлими раҳбарларига шикоят қилсак, улар почтальон етишмаяпти, деган баҳонани рўкач қилишади. Агар почта бўлими раҳбарлари ўз ишларига масъулият билан қараганларида кўп йиллардан буён бу масалани ҳал этган бўлишарди.

Балки бу ҳақда шаҳар почта алоқалари ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари ўйлаб кўришар?

Ф. ХАЛИЛОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

РАССОМ ШАРҲИ

ҚАРОВСИЗ КЎЧА

Собир Раҳимов районидаги Қорасарой кўчасининг 201-уй томонига бурилишингиз билан қишда лой ва ёзда чанг бўлиб ётадиган йўлни кўрасиз. Бу ердан баҳорнинг ёғин-сочинли кунларида лойга ботиб ўтишга тўғри келади. Мактабга, боғчага қатнайдиган болалар, кексалар ҳам шу жойдан минг азобда ҳар кунн ўтиб юришади.

Хўш, бу кўча қачон обод бўлади?

Е. МУҲАМЕДОВ,
ишчи.



• *Бизга ёзадилар*

ЖОНКУЯР ЖАМОАТЧИ

Бу йил 72 баҳорни қаршилаётган Улуғ Ватан уруши ветерани Мирзоҳид ака Миробидовни маҳалладошлари ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади. Акмал Икромов районидаги Ҳабиб Абдуллаев номли маҳалла комитетига раислик қилиб келаётган бу отахон шаҳримиз ободончилигига катта ҳисса қўшмоқда. Унинг кўксини Қизил Юлдуз, Шуҳрат орденлари ва кўплаб медаллар безаб турибди. Улуғ Ватан урушида катта жасоратлар кўрсатган Мирзоҳид ака эндиликда Ҳабиб Абдуллаев номли маҳалланинг ҳар жиҳатдан намунали, обод бўлиши учун жон куйдирмоқда. Унинг бевосита раҳбарлигида маҳалладаги жуда кўп кўчалар асфальтланди. Хонадонларни тўла газлаштириш бўйича муаммолар ҳал этиляпти. Унинг ташаббуси билан ўтказилаётган ҳашарлар маҳаллани янада ободонлаштириш, довдарахтларга буркаш имконини бермоқда.

Отахон бошчилигида маҳалладаги Улуғ Ватан уруши ветеранлари биргалашиб, энг яхши анъаналарни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан фойдали иш олиб боришяпти.

Қ. ҚОСИМОВ,
ишчи.

Ҳамкасб, ҳамкасб

Чала қолди

Кунлардан бирида кўчада мотор товуши гуриллаб қолди. Маҳалла аҳли нима бўлаётганини билиш учун чиқишган эди, ғайрат билан ишлаб ётган экскаваторни кўришди. Экскаватор ҳартуми асфальт кўчани бузиб, ариқ қазиш билан овора эди. Ҳамма бир-биридан сўрашга тушди:

— Нима гап ўзи?

— Тинчликми, ўзи?

— Тинчликми, кўшни?

— Суюнчи беринг! Кўчамизга водопровод келаркан!

— Буни қаранг! Ниҳоят ярим чақирим наридан сув ташишдан қутуладиган бўпмиз...

Маҳалла аҳли бир-биридан суюнчи олганича бор эди. Ниҳоят улар яшайдиган жойга — Собир Раҳимов районидаги Сағбон кўчасининг Қўштут, Фаробий кўчасининг Ҳаракат проездларига ҳам водопровод келадиган бўпти. «Водоканал» ходимлари уларнинг севинчига яна суюнч қўшдилар:

— Бир ой ичида эшитингизнинг тагига вариллаб сув келади!

Орадан бир ой эмас, анча вақт ўтди. Эшикнинг тагига вариллаб сув келгани йўқ. Қазилган жойлар очиқлигича қолиб кетди. Маҳалла кексалари, Улуғ Ватан уруши инвалидлари шаҳар «Водоканал» трестига қатнайвериб, охири чуқурларга қувур ётқизишга муваффақ бўлдилар. Лекин қувурлар ётқизилди-ю, очиқ зовурлар шундайлигича қолиб кетаверди. На сувдан дарак бор, на кўчаларни қўмишдан. Бу проездларда уйини кўмир билан иситадиган, кўчма газдан фойдаланадиган оилалар бор. Газ келтирган машина ичкарига киролмай бир чақирим нарида қолади. Одамлар баллонни елкасига ортиб, ҳовлига олиб киришади. Бирон киши касал бўлиб қолса, ичкарига машина киритишнинг иложи йўқ.

«Бизга водопровод олиб келамиз деб қайтага ноқулайлик тугдиришди, — деб ёзади Ҳаракат проездининг 17-уйида истиқомат қилувчи Расулов. Унинг бу шикоятига К. Соатов, Р. Қўзиев, А. Қутбиддинов, М. Аҳмедов сингари 18 хонадоннинг вакили имзо қўйган.

Шаҳар «Водоканал» трести хизматчилари ўзлари бошлаган ишни охирига етказишса кўнгилдагидек иш бўлур эди.

Қоғоз тишлаган компостерлар

22 февраль куни кеч соат 22 дан кейин ГУМ бекатида йўловчилар тирбанд бўлиб қолди. 46-автобус маршрутини кутаётганлар нима қилишни билмай зириллаб туришарди. Улардан бири диспетчер олдига борди.

— 46-автобус қачон бўлади?

— 10 минутдан кейин.

Орадан 10 минут ўтди. Бояги йўловчи яна диспетчер хонасига борди.

— Автобус бўладими-йўқми?

— Бўлади дедимку! Келиши билан чиқасизлар.

Йўловчилар бекатда қатор турган машиналарни кўздан кечиришди. Бу пайтда пешанасига шу маршрут номери ёзиб қўйилган бир эмас, иккита — 38—36 ТНЗ, 14—53 ТНУ автобуслари эшигини тақатақ бекитганича қимир этмай қотиб турар эди. Шу ернинг ўзида нима учундир номери олиб ташланган яна бир қанча автобуслар бор эди. Йўловчилар яна диспетчер олдига боришди.

— Шунча автобус турибди-ку, одамларнинг ҳожатини чиқара қолсангиз нима бўлади?

— Буёғини бизга қўйиб берасиз. Аслида соат 22.30 минутдан кейин бу маршрутда автобус қатнамаслиги керак. Қонда шу.

— Нима учун бошқа маршрутларда машиналар ярим кечагача қатнайди? Нима, Бешқайрагоч массивида яшайдиганларнинг бошқалардан кам жойи борми?

Диспетчер бу саволга жавоб бермади.

Қизиғи шундаки, матбуотда, телевидениеда, радиостанцияси орқали худди мана шу маршрут қатнови бир неча марта танқид қилинган. Лекин қанча танқид қилмасин аҳвол ўзгармаяпти. Нима учундир автобусдаги темир компостерлар оғзига зич қилиб қоғоз тиқиб қўйилган. Билет эса, махсус кассада эмас, кабинада, ҳайдовчининг шапкаси ёки темир қути ичида ётади. Бу ҳақда шикоят қилган йўловчилар Б. Зуфаров, В. Асилов, Т. Турсунов, А. Юсупов ва бошқалар мана шу «танқиддан семирадиган» маршрутда қачон тартиб ўрнатилишини қатъий сўрашган.

Газетхон Н. Рихсиев «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги автостанцияси»дан қатнайдиган 112-автобус маршрутининг мутлақо ёмон хизмати ҳақида шикоят қилган. М. Тешабоев эса Революция хиёбонидан қатнайдиган 64-«э» автобус маршрутининг хоҳласа тошбақа қадам билан, хоҳласа бекатларда тўхтамай ракета тезлигида юриши, графикка амал қилмаслиги ҳақида шикоят ёзиб юборган. «Главташпассавтотранс» бошқармаси раҳбарлари бу маршрутларда жиддий тартиб ўрнатишлари керак!

ҲУШЕРБЕК.

Коммунистик меҳнат зарбдори Василий Дейнека «Сельхозтехника»нинг Тошкентдаги тажриба ремонт-механика заводи илғор йиғувчи-слесари. Бу ишлаб чиқариш новатори трактор двигателларини моҳирлик билан жонлантиради. Ҳозир у ўн биринчи беш йиллик ҳисобига баракали меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: В. Дейнека.
М. Нуриддинов фотоси.



РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Янги массив ташвишлари

«Олимпия» массивига кўчиб келганимизга тўрт-беш йилдан ошяпти. Аммо ҳалигача бу ердаги нуқсонлардан қутила олмаяпмиз. 8, 9 ва 20-уйлар атрофидаги чуқур жарликка ҳалигача бирорта ҳимоя тўсиқ қилингани йўқ. Бунинг устига ушбу жарликка бундан бир неча йил илгари ўрнатилган кичик кўприк жуда яроқсиз аҳволга келиб қолган. Катта жар устидаги бу кўприкдан болалар «Профессорлар шаҳарчаси»даги мактабга қатнайди. Аммо бу хавфли кўприкни тузатиб, жар атрофини тўсиш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Бинолар олдидаги болалар ўйнайдиган майдончалар ҳам ана шундай қаровсиз аҳволда. Ҳар йили баҳор ва кузда бу ердаги 50-ЖЭКка район ободонлаштириш бошқармаси томонидан жуда кўп миқдорда кўчатлар берилади. Аммо «Олимпия» массивида бу борада бирор иш ўтқазилаётгани ҳеч кимга маълум эмас. Ахир, бу кўчатлар экилган бўлса, ҳозиргача улар массив ҳусниға-ҳусн бағишлаган бўларди-ку.

Мана, ҳозир айни кўчат ўтқазиб, шаҳарни ободонлаштирадиган пайт. Аммо «Олимпия» массивида бу борада бирор иш қилиняпти, деб бўлмайди.

Собир Раҳимов район ободонлаштириш ва уй-жой бошқармаларининг раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари лозим.

С. МУҲАМЕДОВ.
Улуғ Ватан урушн инвалиди.

С. НИШОНБОЕВ,
ишчи.

75 Назир Сафаров

ЖАНГЧИ синғари ҳамиша олдинги сафда бўлган, ўз халқининг иши ва ташвишлари билан ҳамнафас яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеаларга актив муносабат билдирадиган ёзувчининг тақдири ҳавас қилса арзигулик. Бундай ёзувчининг китоби кураш ва жасоратнинг шонли саҳифалари бўлиб, кўплаб авлодларни ҳаяжонга солади.

20-йилларнинг охирида республика газетасида Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг

Юбиляр ҳақида сўз

ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН

биргаликда ёзган очерки босилди. У аниқ, лўнда қилиб «Янги ҳаёт учун кураш» деб номланганди. Очерк бир неча сонда босилди. Уни севиб ўқишар, газетанинг кейинги сонини сабрсизлик билан кутишарди. Сал кейинроқ бу икки ҳамкор биргаликда «Тарих тилга кирди» пьесасини яратишди. Пьеса халқ хўжалигини тиклаш даврида мураккаб синфий ва сиёсий курашни акс эттирган эди.

Назир Сафаров пьесанинг яратилиши ҳақида шундай деган эди:

—Биз, ёш ёзувчилар республика партия активида иштирок этдик. Активда яширин кураш йўлига ўтган душман элементлари ҳақида суҳбат кетди. Биз, бу муҳим мавзуга бағишланган пьеса ёзишга аҳд қилдик.

Драма илк бор Ҳамза театрида, Уйғур томонидан саҳналаштирилди. Спектакль катта муваффақият қозонди. 70 кун давомида тўхтовсиз намойиш этилди. Пьеса қаҳрамонлари— Темур ва Қўрқмас номлари машҳур бўлиб кетди. Ўша даврда тугилган болаларнинг кўпчилигини ана шу номлар билан аташди. Пьеса ўзининг партиявий руҳи билан ижобий қаҳрамонлар—коммунистлар характерини ёркин очиш, уларнинг контрреволюцион элементлар билан курашини кўрсатиш билан алоҳида ажралиб туради.


Назир Сафаровни драматург ва прозаик сифатида ҳамиша халқнинг тақдирида муҳим из қолдирган, унинг янги ҳаёт учун кураши ва ғалабасини кўрсатувчи воқеалар ҳаяжонлантиради. «Уйғониш» пьесаси ҳам деҳқонларни ўз тақдирини қўлга олиш, сув ва ерга эга бўлиш йўлидаги курашларини акс эттирди.

Ўзбек драматургиясида Назир Сафаров узоқ вақтдан буён қизиқарли ва самарали меҳнат қилиб келяпти. Унинг пьесалари умумлашмаларининг кенглиги халқнинг бахт-саодати учун курашчиларнинг характерларини ёркин оча билиши билан ажралиб туради.

1917 йилнинг апрелида Тошкентда муҳим воқеалар рўй беради. Темир йўл устахоналарида (ҳозирги Октябрь революцияси номидаги завод, яқиндагина тузилган большевистик ячейканинг биринчи йиғилиши ўтмоқда эди. Ячейканинг раҳбари асбобсоз-слесарь Н. В. Шумилов эди.

Шаҳарнинг нариги қисмида меҳнаткашларнинг катта митингида Султонхўжа Қосимхўжаев сўзга чиқди. У мамлакатда рўй бераётган революцион воқеалар ҳақида гапириб, қурувчи ишчиларнинг касаба союзини тузишни таклиф этди. Тошкентнинг, бутун Туркистон ўлкасининг ҳаётини ўзгартириб юборган ана шу сингари воқеаларини Назир Сафаров ўзининг «Шарқ тонги» пьесасида акс эттирди.

Муаллиф архив материалларини узоқ



РЕСПУБЛИКАМИЗ ВА МАМЛАКАТИМИЗ АДАБИЙ ЖАМОАТЧИЛИГИ, КЎП СОНЛИ КИТОБХОНЛАР ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИНИ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙИ БИЛАН ҚИЗҒИН МУБОРАКБОД ЭТМОҚДАЛАР

ТАБРИКЛАР, ТЕЛЕГРАММАЛАР...

Ҳурматли Назир Сафарович!

Озарбайжонлик ҳамқаламларингиз Сизни, ўзбек адабиётининг ажойиб устоди, йирик жамоат арбобини 75 ёшингиз билан қизғин муборакбод этадилар. Сиз ярим асрлик умрингизни қадрдон адабиётингизга бахшида этдингиз, халқнинг ҳурмат-эътиборини қозондингиз, юксак Давлат мукофотларига сазовор бўлдингиз. Сизнинг кўп қиррали ижодингизда жонажон юртингизнинг муҳим воқеалари, революцион ўзгаришлар, халқнинг коммунистик идеалларни барқарор этиш йўлида олиб борган меҳнати ва кураши ўзининг ёркин ифодасини топган. Сиз сўзингиз ва ишингиз билан жонажон Ўзбекистонинг гуллаб-яшнашига, Совет мамлакатлари халқларининг қардошларча якдиллигига сидқидилдан хизмат қилиб келдингиз ва хизмат қилмоқдасиз. Сизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий парвозлар, қуёшли бахт тилаб қоламиз.

Озарбайжон Ёзувчилар союзи.

* * *

Сизни, республика халқ ёзувчиси, таниқли жамоат арбобини шонли 75 йиллигингиз билан қизғин табриклаймиз. Биз Сизнинг талантингизни, жонажон халқингиз ҳақидаги оташин сўзингизни юксак қадрлаймиз. Сиз адабиётларнинг интернационал дўстлигига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдасиз. Сизга янги ижодий ютуқлар, соғлиқ ва бахт тилаймиз.

Сизнинг

Танк, Шамякин, Вертинский, Саченко, Чигринов, Гаврилин, Гордицкий.

Минск шаҳри.

* * *

«Знамя» журнали коллективи номидан Сизни, атоқли ёзувчи ва толмас жамоат арбобини шонли юбилейингиз билан чин қалбдан муборакбод этаман. Сизга ижодий ютуқлар, соғлиқ ва бахт доимий ҳамроҳ бўлишига тилакдошман.

Сизнинг

Вадим КОЖЕВНИКОВ,
«Знамя» журнали редактори.

* * *

Ҳурматли Назир ака!

Сизни юбилейингиз билан қизғин табриклайман. Сиз Ватанимиз бахт-саодати йўлида кўп меҳнат қилдингиз. Уруш йилларида уни ёвлардан ҳимоя қилдингиз. Кўплаб асарлар яратдингиз. Улар бугунги кунда одамларни билимли, жасур, фидокор бўлишга ўргатмоқда. Буларингиз ҳаммаси учун Сизга катта раҳмат.

Ҳурматли Назир ака!

Сира ҳорманг! Дўстларингиз ва китобхонларни қувонтириб яна кўплаб китоблар ёзинг. 100 ёшга киргунингизда 75 ёшда қанчалар етук, баркамол ғайратчан бўлганлигингизни ҳис этасиз.

Сизни қучиб,

дўстингиз

Владимир КАРПОВ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

* * *

Ҳурматли оқсоқолимиз Назир ака!

Матбуотда Сизнинг юбилейингиз ҳақидаги хабарни ўқиб беҳад қувондик. Сизни катта ёзувчи, устоз, толмас жамоат арбоби сифатида биламиз, чуқур ҳурмат қиламиз ва севамиз. Сизнинг самимий табрикларимизни қабул этинг. Сизга ҳаётда ва ижодда муваффақият тилаймиз.

Сизнинг

қорақалпоқ ҳамқалам дўстларингиз Юсупов, Оймирзаев, Жумамуротов, Каипбергенов, Қобулов.

Балли, севимли адиб!

Воҳид ЗОҲИДОВ, академик.

Назир акага қанча балли десак ҳам озлик қилади. Адабиётимизга қалам ила эллик йил хизмат қилиш осон гап эмас, улкан шон-шараф ишидир. Яна денг, адабиётимизда Назир ака қўл урмаган жанр қолмади шекилли. У, «Қора кунлар кўланкаси» ва «Унутилмас кунлар», «Хадича Аҳророва» ва «Олия Султонова», «Катта карвон йўлда» китоблари, публицистик мақола ва очерклар авторидир, айниқса «Узоқни кўзлаган қиз» қиссаси ва «Турсуной» очерки республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Унинг қаламига мансубдир «Инсон изн» ва «Очерклар» деб номланган бадиий асарлар, «Олтин ой» ва «Олма олмадан узоққа тушмас», «Яраш» ва «Аҳмадали ўз бахтини қандай топди», «Боис ботир саргузаштлари» каби ҳикоялар. У «Уйғониш» ва «Шарқ тонги», «Кимга тўй, кимга аза», «Лукаш ботир» ва бошқа пьесалар яратди. У «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз» романларини халққа туҳфа қилди. У бир қанча киносценарийлар ҳам яратди. У мана шундай маҳсулдор ижодий ҳаёти давомида ўзини жамоат арбоби сифатида ҳам намоён қилди, бир неча маъмурий ишларда бўлдим, ҳозир республика Китобхонлар жамиятининг раиси ҳамдир.

Ҳа, Назир аканинг ҳаёти анча қуюқ ва серқирра. Мана энди у 75 ёшда! Унинг мазмундор, ҳароратли ҳаёти, ижодий фаолияти ҳамда кўриб ва илҳомланиб келган шунча баҳори катта ҳурмат ва мақтовга сазовордир. У аллақачонлар бадиий маданиятимизда, адабиёт ва санъатимизда ўзига хос салмоқли ўрин олган кўркам адиб ва драматургимиздир. У ярим аср мобайнида жозибали бадиийлик ва теран мазмундорлик ила ўз хазинасини яратди. Пьесаларида революция тонгини, ҳа, бутун башарият, шу жумладан ўзбек тарихида ақл, адолат ҳамда тараққиёт даврини бошлаб берган улуғ Ленин инқилобини, озод халқ бахтини куйлади, инсониятни фашизм йиртқичлигидан, қуллик ва ҳалокатдан, минг-минг йиллик цивилизацияни барбодлик, вайронлик ва бадавийликдан, йўқ бўлиш таҳдидидан сақлаб қолган Улуғ Ватан уруши ғалабаси қаҳрамонларида, шу жумладан, мазкур қаҳрамонлар сафидаги ўзбек ўғлонларини ардоқлади. Қўлда қалам билангина эмас, ўз вақтида қурол билан ҳам шу ғалабага ўз ҳиссасини қўшди Назир ака.

Назир ака ўз романларида Улуғ Октябрь тараддудлотидан олдинги юртимизда ҳоким бўлган зулм ва зўравонларни, халқимиз ҳаётида кенг қанот ёйган муҳтожлик фожеалари ва қақшатгич зулматни, халқ ноларини ва норозиликларини ўткир қаламга олди, озодлик ҳаракатлари ва тўкилган қонларини эъзозлади. Зулму муҳтожликка хотима берган ва том маънода халқчил ҳисобланган совет даврини, бутқул янги жамият қураётган республикамиздаги меҳнат аҳлини ардоқлади. Ўлмас коммунист образларини яратди, мадҳ этди. У инсонийликка зид иллатларни қоралади.

Ажойиб қисса ва очеркларида Назир ака айниқса қишлоқ қаҳрамонларини, тог-тог «оқ олтин» ижодкорларини тараннум этди, жумладан, Турсунойларни «кашф» этди, куйлади, бутун Иттифоқда катта бир турсунойчилик ҳаракати яралиб-ёйилишига боисқорлардан бири бўлди. Бу ҳаракатнинг иштирокчилари —ажойиб заҳматкаш, ватанпарвар ва меҳрибон оналар, опаларни, сингил ва қизларни ардоқлади. Уларнинг меҳнатига мададкор бўлди, уларга илҳом берди, уларнинг шуҳрати ва шукуҳини ҳар ён таратди.

Мана, неча йиллардирки, Назир аканинг ўзи ҳам шу тарзда ўз маҳсулдор қалами, ўткир истеъдоди ва изчил садоқати ила халқининг ажойиб заҳматкаш фарзандларидан бирига айланиб, унинг маънавият оламини бойитишда улкан улуш қўшиб ва барча меҳнат аҳли қаторларини безаб келмоқда, ўз қаламкашлари билан биргаликда албатта.

Ҳа, ажойиб адиб Назир ака Жиззах паҳлавони, адабиётимиз отахони, бир неча баланд мукофотлар сазовори ва улкан халқ хизматкори партия солдати ҳисобланган баҳодирлар қаторида туриб, чўнг катта ҳамда мазмундор ҳаётнинг ҳаваласларли саҳифасини, чораги кам юз баҳор ёшини ёшлардек қадди расолик билан кутиб олмоқдалар. Юракдан қутлаймиз ва тўла юзни, юздан ҳам ортиғини тилаймиз!

Ёзувчи билан суҳбат

ҚАТТА ҲАЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Назир Сафаров ўзининг 75 ёшини ғайрат-шижоатга тўлган, янги асарлар иштиёқида тинним билмай изланаётган бир даврда нишонламоқда. Ёзувчи билан унинг мўъжазгина ижодхонасидаа учрашдик. Мана, неча йилларки, у эрталаб шу хонадаги ёзув столига ўтиради. Ўқувчиларни ҳаяжонга соладиган, халқимизнинг муҳим проблемаларини кўтариб чиқадиган, тарих саҳифаларини жонлантирадиган ҳаётий асарлар дунёга келади.

Ёзувчи билан босиб ўтилган мароқли ва самарали йўл, ана шу йўлнинг муҳим босқичлари ҳақида суҳбатлашдик.

— **Ҳурматли Назир ака, кўп сонли китобхонлар Сизни таниқли ёзувчи, драматург, публицист, йирик жамоат арбоби сифатида танийдилар. Асарларингизни, мақолаларингизни мароқ билан ўқийдилар. Уларни албатта Сизнинг ҳаёт йўлингиз ҳам қизиқтиради. Айтингчи, адабиётга, ижодга илк қадамларингиз қандай бошланган?**

— 1927—1929 йилларда Самарқанддаги марказий партия-совет мактабида ўқидим. Ўша ерда КПСС сафига кирдим. Ижодга қизиқишим ҳам ана шу йиллари бошланди. Албатта илгари, яъни Волость комсомол комитети секретари бўлиб ишлаган пайтимдаёқ айрим машқлар қилган эдим. Ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар, синфий душманларга қарши кураш, хотин-қизлар озодлиги масалалари диққатимни жалб этганди. Шу сабабли Самарқанд область «Зарафшон» газетасида мақолаларим билан қатнашиб турдим. Совет ҳокимияти душманларининг қилмишларини фош этувчи фельетон ва мақолаларим тез-тез босилиб турарди. Партия-совет мактабини битирганимдан кейин мени «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясига ишга юборишди. Бу ерда аввал қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, кейинроқ эса масъул секретарь лавозимларида ишладим. Бу пайтда қишлоқда коллективлаштириш қизғин давом этар, синфий кураш ниҳоятда кескинлашган эди. Республика матбуотида долзарб мавзуларга бағишланган кўплаб мақола, очерк, фельетонларим босилди. Драматургияда ҳам ўз кўчимни синаб кўра бошладим. 1931 йилда «Қора кунлар кўланкаси». «Янги турмуш учун кураш» асарлари дунёга келди. Аста-секин ижод иштиёқи мени бутунлай қамраб олди. Айтиш мумкинки, ёзувчиликка ўтишимда журналистлик бир кўприк вазифасини ўтади.

—Чиндан ҳам газетада ишлаш ижодкор учун жуда муҳим. У ёзувчини синчковликка, ҳозиржавобликка ўргатади. Машҳур ёзувчиларимизнинг жуда кўпчилиги ўзларининг илк қадамларини журналистликдан бошлаганлар. Сизнинг ижодий йўлингизда журналистлик қандай роль ўйнаган?

— Газета ижодкор учун катта бир мактабдир. У аниқликка, фикрни равшан ифодалашга, ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеаларни тез пайқаб олишга ўргатади. Менинг ҳам ёзувчи сифатида шаклланишим «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида ишлаб юрган пайтимга тўғри келади. Ўша давр учун муҳим бўлган мавзуларда очерк ва мақолалар ёзиш баҳонасида республикамизнинг кўпгина жойларида бўлдим. Ҳаётда юз бераётган ўсиш-ўзгаришларни кузатдим. Буларнинг ҳаммаси кейинчалик, асарларимни ёзиш жараёнида қўл келди. Бугунги кунда ҳам журналистика билан алоқани узганим йўқ. Илғор пахтакорлар, уста механизаторлар, меҳнатдан шон-шуҳрат топган халқ қаҳрамонлари ҳақида очерк ва мақолалар ёзиб тураман. Бу эса ўз навбатида менга бугунги кун билан алоқани мустаҳкамлашга, ҳаёт нафасини аниқроқ ҳис этишга ёрдам беради.

—Сизнинг илк ижодий фаолиятингиз драматургиядан бошланган. Ижодингиз ана шу соҳасига, яъни драматургияга мурожаат этишга нима туртки бўлган?

— Ижодим бошланган даврда халқнинг катта қисми ҳали саводсиз эди. Газета, журнал ва китоб ҳали ҳамма хонадонга кириб бормаган эди. Бундай шароитда ягона таъсир воситаси театр бўлиши мумкин. У саводлига ҳам, саводсизга ҳам таъсир қиларди. Кўпчилик уни севиб томоша қилади. Драматургияга мурожаат қилишим давр талаби туфайли бўлган. Бу пайтда қулоқлар эндигина синф сифатида тугатилган эди. Яовий душманларимиз очиқ курашдан яширин кураш йўлларига ўтдилар. Совет органларига суқилиб кириб, совет ҳокимиятини обрўсизлантирувчи, унинг қонунларига зид ишлар қилдилар. Совет тузумининг актив қурувчиларини йўқ қилишга интилдилар. «Косимовчилар суди» деб номланган машҳур суд процесси ҳам ўша даврда бўлган эди. Шу муносабат билан ёзувчилар союзида ҳам йиғилиш бўлиб ўтди. Унда синфий душманларга қарши курашни кучайтириш, ҳушёликни ошириш масалалари кўрилди. Ана шу йиғилишда устозим Зиё Саид менга бир хат узатди. Унда «шу ҳақда бир пьеса ёзмайсизми?» деб ёзилган эди. Мен унга қараб, розилик аломатида бош қимирлатдим. Шу тариқа «Тарих тилга кирди» пьесасини ёзишга киришдик.

— «Тарих тилга кирди» пьесаси айни вақтида ёзилган, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асар эди. У республикамиз театр санъатида янги бир босқични бошлаб берди. Унн томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олган эдилар. Бу пьесани саҳналаштириш тарихи ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

—Ўша пайтда мен «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул секретарь бўлиб ишлар, Зиё Саид эса «Муштум» журнали редактори эди. Унинг Ҳадра яқинида кичиккина уйи бор эди. Мен эса яқиндагина Самарқанддан келган, ҳали уй олганим йўқ эди. Шу сабабли кўпинча Ҳадрадаги Мустақим ака чойхонасида ўтириб, ёзилган саҳифаларни таҳрир қилар, ўзгартиришлар киритар, янги саҳналарни белгилаб олар эдик. Пьеса тайёр бўлгач, машҳур театр арбоблари Манон Уйғур ва Етим Бобожоновларга ўқишга бердик. Улар асарни катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Ҳамза номидаги театр коллективи кўп ўтмай пьесани саҳналаштиришга киришди. 1931 йилда спектакль илк марта намойиш этилди. Ўзбек саҳна санъатининг етук намояндалари Манон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхонов, Обид Жалилов, Наби Раҳимов ва бошқалар ролларни ижро этган эдилар. Асар тез орада оммалашиб кетди. Чунки унда ҳаётнинг бир пар-

— Маълумки, 1916 йилда машҳур Жиззах қўзғолони рўй берди. Чор самодержавиеси ва маҳаллий бойлар зулми остида ниҳоятда эзилган халқ бош кўтарди. Мен ўшанда 11 яшар бола эдим. Жиззах чўлига ҳайдалган, ҳар бир луқма нони кўз ёши билан сугорилган халқнинг фожиаси, жазо отрядининг барча ваҳшийликлари гувоҳи бўлганман. Чўлга ҳайдалганлар орасида ўзим ҳам бор эдим. Ўша пайтда кўрганларим бир умрга хотирамда мухрланиб қолди. Қўзғолоннинг 15 йиллиги муносабати билан «Унутилмас кунлар» номли очерк ёзган ва бу очерким ўша пайтда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган эди. Бу очерк кейинчалик йирик прозаик асарларимга асос бўлди. 1939 йилда Жиззах қўзғолони ҳақида «Уйғониш» номли пьеса ҳам ёзган эдим. У Ҳамза номли театрда саҳналаштирилган д и. Кейинги йилларда ана шу воқеаларни йирик эпик полотноларда акс эттириш нетаги тугилди. Зотан, Жиззах қўзғолони халқнинг бурилиш нуқталаридан бири. Улуг Октябрь инқилобига олиб келган халқ тугёнининг бошланиши эди. Ана шу иштиёқ мени «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз» романларини ёзишга ундади.

— Улуг Ватан уруши мавзуси ҳам ижодингизда кенг ўрин эгаллайди. Ўзингиз жангчи ва ҳарбий мухбир сифатида оловли жанг йўлларини босиб ўтгансиз. Фронт хотиралари ва ҳарбий мавзудаги асарларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

—Улуг Ватан уруши халқимиз бошига тушган катта синов эди. Халқларимиз ўртасидаги бузилмас қардошлик, совет кишиларига хос матонат, Ватанга садоқат ўша йиллари имтиҳондан ўтди. Кўплаб ўзбек йигитлари ҳам фронтда жасорат намуналарини кўрсатдилар. Ватан озодлиги йўлида жонларини фидо этдилар. Мен дастлаб 1-Белорус фронтида жангчи сифатида, кейинчалик эса 3-Украина фронтига қаршили «Совет жангчиси» газетасида ҳарбий мухбир сифатида иштирок этдим. Бу газета ўзбек тилида босиларди. Жангчи 1945 йили Вена шаҳрида тамомладим. Фронт йўлларида ўнлаб ўзбек йигитлари билан учрашдим. Уларнинг жасорати ҳақида мақолалар ёздим. Масалан, 1944 йилда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Боис Эргашев ҳақида «Қаҳрамоннинг туғилиши» деб номланган мақола ёзгандим. Боис Эргашевнинг жасорати кўплаб ўзбек йигитларига намуна бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги кунда ҳам у билан тез-тез учрашиб турамиз. Табиийки, жангда кўрганларим, юртдошларимнинг жасорати мени тинч қўймайди. «Томчи қон» деб номланган тўпламим ана шу жанговар йиллар хотирасидир. Машҳур партизан, Белоруссия ўрмонларида ёвга қарши кураш олиб борган Лукмон Ўроқов ҳақида «Лукаш Ботир» деб номланган пьеса ёздим. У Ҳамза номли академик театрда саҳналаштирилди. Ҳозир шу номдаги сценарий асосида фильм суратга олиняпти.

— Китобхонлар яна қандай асарларингизни ўқишади?

—Жиззах қўзғолони ҳақидаги трилогиянинг учинчи китобини ёзяпман. У билан бир пайтда янги бир асар бошладим. Бу асар йқин ўтмиш, Бухоро амирлиги замони ҳақида ҳикоя қилади. Асарда икки ёшнинг фожиали муҳаббати, машаққатли ҳаёти қаламга олинган. Киносценарист Д. Булгаков билан биргаликда Мирзачўл ҳақида фильм сценарийсини ёзмоқдамиз. Журналистлик фаолиятимни ҳам давом эттираман.

—Назир ака, Сизга «Тошкент оқшоми» газетаси мухлислари номидан янги ижодий ютуқлар, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Сиздан янги, бадиий баркамол асарлар кутамиз.

—Раҳмат.

Суҳбатни

Н. МУҲАММАДИЕВ

ёзиб олди.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Мен илгари ўзбек халқининг инқилоб арафасидаги ҳаёти, озодлик учун олиб борган кураши ҳақида айрим тасаввурларга эга эдим. Аммо Назир Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз» романларини ўқигач, бу тасаввурим ниҳоятда бойиди. Халқимизнинг инқилобдан олдинги аянчли турмуши, чор самодержавиеси ва феодализм эксплуатациясига қарши кураши бу асарларда ўзининг ёркин ифодасини топган. Гўё улар ўша давр ҳаётининг бир бўлагидек.

Ёзувчининг саҳна асарлари ҳам диққатга сазовор. «Лукаш ботир», «Кимга тўй, кимга аза» сингари пьесалари кўпчиликка яхши таниш. Ўқув театримизда улардан айрим саҳналарни ижро этганмиз, биз учун маҳорат мактаби бўлган.

Ҳаётий, ҳаққоний асарлари учун ёзувчига чин юракдан раҳмат дейман. Ижодингизга барака, ҳурматли адибимиз Назир Сафаров!

Ж. ТОШЕВ,

Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти студенти.



Назир Сафаров Андижон область «Россия» колхози правлениесида.

ОЛТИНЧИ ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ

Шу йил 20 майдан 30 майгача Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI халқаро кинофестивали бўлиб ўтади. Бу анъанавий анжуман 1968 йилда ташкил топди. Унинг ташаббускорлари кинематография бўйича СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат комитетлари ҳамда СССР ва Ўзбекистон кинематографистларининг союзларидир.

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деб аталган Тошкент фестивали йил сайин оммавий тус олмоқда. Агар биринчи фестивалга Ўзбекистон пойтахтига 49 мамлакат вакиллари келган бўлса, 1978 йилги V кинофестивалга 84 мамлакат вакиллари ташриф буюришди. Бу кўрсаткичлар сўнгги йилларда ўнлаб янги мамлакатларда кино санъати географияси ўзгарганлиги, уларнинг ўз миллий маданияти ва жумладан кинематографияси тобора тараққий этаётганлигидан далолат бериб турибди. Бу ўринда Тошкент фестивали экрани орқали жаҳонга танилган Ангола, Бенин, Эфиопия, Коста-Рика ва Непал киносанъатини эслаб ўтиш кифоя.

Тошкент фестивалининг бош директори Ўзбекистон ССР Давлат киноси раиси Абдулаҳад Абдуллаевич Абдуллаевнинг хабар беришича ҳозирнинг ўзидаёқ май ойида бўладиган киноанжуманда қатнашиш учун таҳминан юздан ортиқ мамлакатларга таклифнома жўнатилган. Яқин ойлар ичида ташкилий комитет улардан жавоб олади. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари белгиланган регламент бўйича расмий делегацияларини жўнатиши керак. Ўтган фестивалдаги сингари меҳмонлар орасида машҳур киноюлдузлари жумладан, Микеланжело Антониони ёки Валерио Зурлиниларнинг бўлганидек бу йил ҳам Тошкентга жаҳон экранининг йирик намоёндалари келишади.

Совет экспорт-импорт бирлашмаси бўлган «Совэкспорт-фильм»и томонидан ташкил қилинган анъанавий кино бозори ишлаб туради. Тошкентга келувчи кино коммерсантлар шу вақтгача бу бозор хизматидан мамнун бўлиб келишяпти. Фақат 1978 йилнинг ўзидагина улар «Совэкспорт-фильм» билан 60 га яқин шартнома тузишди.

Намойиш этиладиган фильмлар учун ҳеч қандай конкурснинг жорий этилмаганлиги Тошкент фестивалининг характерли ҳусусиятларидан биридир. Бунинг сабаби фестивалга қатнашувчи мамлакатларда киносанъати тараққиёти турличалигидадир. Табиийки жаҳонга маълум ва машҳур бўлган Ҳиндистон ва Япония киноиндустриясини эндигина техник киноарсенали ташкил топаётган Ангола ёки Гвения-Бисау билан таққослаб бўлмайди. Конкурснинг йўқлиги Тошкент кинофестивали биографиясини мутлақо камбағаллаштирмайди. «Тошкент» фестивали гояси томошабинларни Ғарб, жумладан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографияси билан яқиндан таништиришдир»,—деган эди IV-Тошкент кинофестивалида йирик италья киносценаристи Тонино Гуэрр.

Тошкент фестивали Осиё, Африка ва Лотин Америкаси киносанъати тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда. Чунки меҳмонлар худди шу ерда турли мамлакатлар томонидан экранлаштирилган фильмларни томоша қиладилар, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашадилар.

Тошкентда ўтказиладиган киносанъати байрамининг яна бир характерли томони шундаки, у қандай бўлмасин ўз кино маҳсулоти билан жаҳон бозорида ҳукмронлик қилмоқчи бўлаётган айрим йирик мамлакатлар планини барбод этяпти ва уч қитъа киносанъати тараққиёти учун хизмат қиладиган фильмларни кино бозорига чиқаришга муваффақ бўляпти.

Тошкент фестивали давомида йирик кино залларида намойиш этиладиган фильмларни фақат қатнашчилар ва меҳмонларгина эмас, балки ўн минглаб оддий томошабинлар кўришга мушарраф бўладилар. Фестиваль ҳамиша катта шаҳарнинг диққат марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Тошкент Санъат саройида фестиваль байроғи ҳилпирайдиган кун яқин. 20 майдан бошлаб 10 кун давомида Ўзбекистон пойтахти Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографияси марказига айланади.

(АПН).

• *Ҳайвонот оламини ўрганамиз*

Қорақурт тутқинликдан қочди

Арахнолог деган сўзнинг маъносини биласизми? Бу фан соҳиблари ўргимчаксимонлар ҳаётини ўрганади. Улар йилнинг турли фаслларида тоғ-тошларга, чўлу-биёбонларга, қир-адирларга жўнаб, ўргимчаксимонлар ҳаётини кузатадилар.

Жазирама иссиқ кунлардан бирида группамиз Тошкент—Термиз йўли бўйлаб Жиззах даштига йўл олдик. Экспедициянинг асосий вазифаларидан бири заҳарли ўргимчаклар вакили бўлган қорақуртнинг ҳаётини ўрганиш эди. Қорақурт бепоён чўл ва ярим даштларда тарқалган бўлиб, ҳамма жойда бир текисда учрамайди. У табиатда маълум жойларда тарқалган бўлиб, вояга етган мода (уруғочи) ва норлари (эркаги) асосан июнь ойи охиридан бошлаб табиатда учрай бошлайди.

Биз Жиззах чўлининг марказий қисмидан ўзимизга тўғри келадиган жой қидириб, бир неча юз километр масофа босиб, охири Зомин районидаги Оқар қишлоғида тўхтадик. Оқар қишлоғи чўлнинг қоқ марказида жойлашган. Бу ерда ёзнинг иссиқ кунларида дарахт тагида бир оз бўлса-да, дам олиш мумкин.

Экспедициямиз шу қишлоқдаги мактаб ҳовлисига жойлашган эди. Мактаб директцияси лабораторияга учун алоҳида битта хонани бўшатиб берди. Қизиғи шундаки, биринчи кундан бошлаб бизнинг энг азиз меҳмонларимиз, мактаб ўқувчилари бўлиб қолди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларини бериб, бизнинг жавобимизни қизиқиб эшитишарди. Улар бир куни бир дона қора қуртни шиша идишга солиб келиб, мендан, «Бу қандай ўргимчак, балки қорақуртдир», деб сўраб қолишди. Пайтдан фойдаланиб ўқувчиларга қорақуртнинг қаерларда учрашини, қандай ташқи белгилари билан бошқа ўргимчаклардан ажралиб туришини, дала шароитида бу газандани қандай асбоблар билан ушлашни тушунтириб бердим.

Маълум бўлишича, Оқар қишлоғи атрофидаги шўрхок ва ёнтоқзорларда қорақурт кўп учрар экан. Биз шу сўҳбат орқали ўқувчилар билан яхши танишиб олдик.

Ходимларимиз асосан эрталаб ва кечқурун салқинда ишлаш учун далага чиқиб кетишарди. Мен одатдагидек, кундалик ишлар натижасини қорақуртлар ҳақидаги маълумотларни ёзиб ўтирардим. Туш пайтида мактаб директори Жўрабой Сафаров билан мактаб қоровули Бектемирбобо кириб келишди. Улар билан суҳбатлашиб ўтирдик. Бектемирбобо қорақуртлар тўғрисида гапириб «уларни йўқ қилиш керак, ёз кунлари одамларни чақиб азоб беради», деди.

Мен гугурт қутиси ичидаги қорақуртларнинг қандай катталикда эканини кўздан кечираётган эдим. Навбатдаги гугурт қутисини очсам, ичида қорақурт йўқ. Бироқ, гугурт қутичаси ичида янги ўргимчак уяси бор. Демак, қорақурт ҳозир чиқиб кетган. Бир зумда меҳмонхоналарга сездирмасдан атрофга кўз ташлаб чиқдим. Аммо, ҳеч ерда қорақурт кўринмади. Тўғриси ҳаяжонга тушдим, чунки қорақурт билан ҳазиллашиб бўлмайди, ахир.

Меҳмонлардан узр сўраб секингина лабораторияга кирдим бахтга қарши лабораторияда ҳеч ким йўқ. Устимдаги кийимни бир текширтириб чиқмоқчи бўлдим. Шу вақт деразадан мактаб ташқарисига қарадим. Бизга қўшни бўлиб «Қизил чорвадор» совхозига галла ўримига ёрдамга келган қўқонлик ҳашарчилар турарди. Деразадан дарахт соясида китоб ўқиб ўтирган 9-синф ўқувчиси ўқтамжон кўриниб қолди. Мен уни чақириб, бўлган воқеани айтдим.

—Кийимимга бир назар ташланг-чи, ука,—дедим. Ўқтамжон шу пайт:

— Қимирламанг, кўйлагингизнинг ёқасида қорақурт турибди, —деб юборди.

Мен эҳтиёт бўлиб кўйлагимни ечдим-да, оқ чойшаб ёпилган каравот устига ташладим. Кўйлак ёқасида бояги йўқотган мода қорақурт турарди. Ўқтамжон югуриб бориб гугурт қутини олиб келди, мен қорақуртни қутичага солиб, резинка ҳалқачани кийдириб қўйдим. Яна жойимга келиб ўтирдим-да, Бектемирбобога қарадим. У киши:

—Ҳа, қаёққа хаёллаб кетдингиз,—деди. Мен бўлган воқеани айтиб бердим. Бобо бошини сарак-сарак қилди.

—Ўзи асрабди, ўғлим, қорақурт заҳарли маҳлуқ, доим эҳтиёт бўлинг.

Ҳа, дала-даштларга чиққанда ўргимчак деб ўйлаган нарсангиз қорақурт бўлиши мумкин. Ундан эҳтиёт бўлинг

Н. ЭРГАШЕВ,
биология фанлари кандидати.

• *Ҳар тўғрида*

МИЯЛАР БОРКИ

Эркаклар бош миясининг ўртача оғирлиги 1375 грамм, аёлларнинг бош мияси эса эркакларникидан тахминан 10 процентча енгил (бунга аёллар гавдасининг енгиллиги сабаб). Бош мия ҳажмининг катталашуви эркакларда 25 ёшгача, аёлларда 20 ёшгача давом этади.

Одамнинг мияси (1000 — 2000 грамм) фил (5000 грамм) ва китдан (2800 грамм) бошқа барча ҳайвонларнинг миясидан оғирдир. Гавдасининг оғирлигига нисбатан олганда эса, ер юзидаги ҳеч бир ҳайвон, миясининг оғирлиги жиҳатидан одамнинг олдига тушолмайди. Жумладан кит миясининг оғирлиги унинг гавда оғирлигининг 10 мингдан бир улушини, филники — 500 дан бир улушини, отники— 400 дан бир улушини, итники 250 дан бир улушини, одамсимон маймунники —100 дан бир улушини, одамники эса 46 дан бир улушини ташкил этади.

Миядаги нерв тўқималарида кимёвий реакциялар жуда тез рўй беради. Тинч ҳолатда кишининг бутун организми тахминан 300 куб сантиметр кислород сарф қилади, шундан 50 куб сантиметри миядаги тўғри келади. Юрак ҳам кислородни миячалик сарф қилади.

Литосантроп миясининг ҳажми тахминан 750—1100 куб сантиметр бўлса, одам миясининг ҳажми эса 1350—1500 куб сантиметрни ташкил этади.

КИЧКИНА ЮРАКНИНГ КАТТА ХИЗМАТИ

Инсон юраги бир минутда 60—80 марта, бир суткада 100000 марта, бир йилда 4 миллионга яқин уриб туради. Кишиларнинг ўртача умри 67 ёш деб ҳисобланади. Шу ҳисобдан олганда бир кишининг юраги 67 йил бадалида тахминан 2,5 миллиард марта уриб туради.

Юрак бир марта урганда 60 куб сантиметр қон чиқаради, бир минутда 4 литр, бир суткада 7—8 тонна, бир йилда 2000 тонна, кишининг бутун умри бўйи эса 140 минг тонна қон чиқаради. Чиқарилган қонни 300 цистерна (вагон)га жойлаш мумкин.

● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ҚАЙНОҚ ФАВВОРА

Экватордан ғарброкда, Тинч океанининг уч минг метр чуқур жойидан «ўта қайноқ сув» топилди ва ундан намуна олинди.

Маълумки, океаннинг шу районидан ер ёриғи ўтади. Океан суви тоғ жинсларининг ёриқлари орқали кириб магмага ёндошади ва қайноқ гейзерга айланади, сўнг 45 метр юқорига отилади.

ТАБИИЙ НАСОС

Ватанимизнинг қурғоқчилик районларида бир йилда 390 миллиметрлик ёғин-сочин бўлади. Бу бир гектар ерга 3900 тоннадан тўғри келади. Шундан 350 тоннадан оқиб кетса, 1500 тоннасини ўсимликлар ичиб, бундан 430 тоннасини буғлантиради. Ўсимлик ўсаётган даврда ва ҳосил йиғилгандан сўнг тупроқда 1270 тонна сув бўғланади. Кўриниб турибдики, ўсимликлар дунёси сувни ҳавога қайтариб чиқарувчи насос ролини ўйнар экан.



Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида «Республика ёш талантлари ижодиёти» шиори остида болалар расмлари, скульптура ва каштачилик асарлари виставкаси очилди.
СУРАТДА: бир группа ўқувчилар кўргазма залида.
Р. Альбенов фотоси.

ДУНЁ КАРТАСИ ОЛДИДА

СИРЛИ ОРОЛ

Тинч океанда кичкина нуқта ҳисобланган Пасхи ороли бутун дунё олимларининг диққатини анча йиллардан бери ўзига тортиб келмоқда. Чунки бу кичкинагина Ер бўлагида ақл бовар қилмайдиган катталикдаги ҳайкаллар ва улардаги сирли хатлар ким томонидан, қачон ва қай йўсинда бажарилганлиги ва ёзилганлиги тўғрисида тадқиқотчилар тортишуви ҳамон давом этмоқда.

Бу кичкина орол вулқонлар конусининг сув устига чиқиб турган жойимикан ёки катта Ернинг океан остига чўкиб кетишидан қолган кичкина бўлагими, деган муаммо кўп тортишувларга сабаб бўляпти.

Олимларнинг фикрича, оролнинг сири оқсаннинг туби билан боғлиқ бўлса, унинг бутун сири устидадир, чунки океан туби асосларидаги оролнинг устида кўплаб учрайди.

ЕЗГИ ФОРМАГА ЎТИЛАДИ

Тошкент гарнизони бошлиғининг буйруғига мувофиқ гарнизон қўшинларининг шахсий состави 1980 йил 1 апрелдан ёзги кийим формасига ўтказилади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС

«Шодлик» ансамблининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист
ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ДИЛБАР ФАЁЗОВА

Солистлар: Гуломжон ЕҚУБОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Назира ШЕРАЛИЕВА, Назриддин ШЕРМАТОВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА, Карима ТОПИЛОВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанр).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

ПРОГРАММАНИ— **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҒУЛОМ ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.**

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари — ИСМАТУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.


Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

3—20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

Ленинград давлат муз устида балетининг

ТОМОШАЛАРИ



ҚАТНАШАДИЛАР:

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ СОЛИСТЛАРИ:

XI Олимпиада ўйинларининг ва жаҳон, Европа биринчиликларининг кумуш медаль совриндори, халқаро класседаги спорт мастери

Людмила СМИРНОВА

XI Олимпиада ўйинлари чемпиони, Жаҳон ва Европа биринчиликларининг тўрт марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Алексей УЛАНОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар:

Лариса ЛИТВИНЕНКО ва Ирина ФИЛИППОВА.

Томошалар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари спектакль тугашига шаҳар транспортининг ҳамма турлари спорт зали олдига томошабинларни ташиш учун берилади.

Билетлар спорт зали, Свердлов номли концерт зали ва бошқа театрларнинг кассаларида ҳамда район кассирлари томонидан сотилади.

46-07-52, 46-03-12 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ТОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ МАШИНА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА

дурадгорлар, станокчилар, катта техник-лаборант, секретарь-машинистка.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ КОРХОНАЛАРГА

фрезерчилар, электр пайвандчилар, созловчилар, ускуналар ремонтчи бўйича слесарлар,слесарь-сантехниклар, слесарь-электриклар, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича слесарлар; дурадгорлар, операторлар, арралаш станокларининг станокчилари, транспорт ишчилари.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ КОРХОНАЛАРГА

инженер-технологлар, конструкторлар- техника хавфсизлиги бўйича инженерлар; нормаловчи, токарлар, металлконструкциялар бўйича слесарлар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, қолипчилар, газ-электр-пайвандчилар, қуюв цехи ишчилари, боғбон.

ЛЕНИН РАЙОНИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

газ-электр-пайвандчилар, электриклар, сантехниклар, труба ётқизувчи слесарлар. Иш командировка билан боғлиқ.

ҚУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИГА

иссиқлик-кучланиш ускуналари ва труба-проводлар монтажи бўйича слесарлар, электр-пайвандчилар, моддий бўлимнинг катта бухгалтери. Иш кўчма характерга эга. Елгизларга ётоқхонадан жой берилади.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ўрмон хўжалиги агрономлари, кўкаламзорлаштириш бўйича ишчилар, секретарь-машинистка.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

токарлар, фрезерчилар, слесарлар, пайвандчилар, электрослесарлар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ—Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ—М. Ҳасанова кўчаси 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ—К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ—Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ—Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ—район ижроия комитети, Совет Армияси хиёбони.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

28, 29 ва 30 МАРТ СОАТ 20.00 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ҳабиба ОХУНОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Камолиддин РАҲИМОВ, Ўринбой НУРАЛИЕВ, Маҳмуджон ИСОМИДДИНОВ.

Солистлар: Турдиали САИДУЛЛАЕВ, Баҳодир БАҚИРОВ, Турсуной МАМЕДОВА, Мавлуда ҲОЖИЕВА, Лазокат РЎЗМЕТОВА, Карима РАСУЛОВА, Носир ЗОКИРОВ.

Раққосалар: Мавлуда НИЗОМОВА, Альфия АСАНОВА, Людмила МАКСИМЧА, Кимёхон РЎЗМЕТОВА.

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 28/III да **Келинлар кўзголони** (12.00), 29/III да **Ғарнблар** (12.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — —28/III да **Сув келтирган азиз** (19.30), 29/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (13.00), **Кулги кечаси** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—28, 29/III да **Можаро** (12.00, 15.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида «ШЕРЛАР ОРАСИДА» аттракциони иштирокида «Чобурашка ва тимсоҳ Генаннинг цирк даги ғаройиб саргузаштлари»— болалар учун қувноқ томошалар** (11.00, 14.00, 17.30).

КИНО

28 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЧОР САМОДЕРЖАВИЕСИГА ҲУЖУМ»— **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«АКА-УКА КОКАРЛАР» — **Москва.**

КИНОЛЕНИННОМА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — **Искра** (19.45).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЙГА ҲОКИМИ ИЗИДАН» — **Дружба** (20.45 жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«ХОТИН КЕТДИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

29 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЧОР САМОДЕРЖАВИЕСИГА ҲУЖУМ»— **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«АКА-УКА КОКАРЛАР» — **Москва.**

«ҚИЗИЛ ЮЛДУЗЛИ ЕШЛИК»— **Пионер.**

«МАЯКОВСКИЙ НОМЛИ ТЕАТР» — **Восток.**

КИНОЛЕНИННОМА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — **Искра** (19.45).

«ДИВИЗИЯ БОШЛИҒИ АЛЕКСАНДР ПАРХОМЕНКО» — **Искра** (14.00).

«ЛЕНИН» (биографиясидан саҳифалар) —**Фестиваль** (11.00).

«ЛЕНИНГРАД ШАҲРИДАГИ ЛЕНИН БЎЛГАН ЖОЙЛАР»—**Навоий номли.** (14.00).

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН» — **Дружба** (21.00).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЙГА ҲОКИМИ ИЗИДАН» — **Дружба** (11, 12, 20.45, жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«ХОТИН КЕТДИ»— **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ЕЗНИНГ УЧ МИНУТИ» —**Лисунов номли** (11, 14, 15, 20.00).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

28 МАРТ— ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мальдив республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Мальдивликлар». Ҳужжатли фильм. 15.30 «Олтин шайба» клубининг соврини учун. 16.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Вероника қайтаяпти». Бадиий фильм. (Руминия). 17.55 «Ун етти ёшдлилар». 3-кўрсатув. «Оқ йўл!». 18.45 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Кўп сериялы телевизион мультфильм премьераси. 10, 11, 12-сериялар. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». 20.00 Концерт. 20.15 РСФСР Олий Совети депутатларининг чиқишлари. 20.30 «Қайнона». Телевизион бадиий фильм премьераси (Венгрия). 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Эрмитаж. Эрмитаж бинокори». Эрмитаж директори, академик Б. Б. Пиотровскийнинг кириш сўзи билан бошланади. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Кинопанорама».

Узбекистон телевидениесининг программалари

I.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун фильм. «Рига ҳайвонот боғида». 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 18.55 «И. Охунбобоев номли Андижон музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Экишда сурҳат ва сифатга эътибор берайлик». 22.20 Телевизион театр. З. Саид, Н. Сафаров. «Тарих тилга кирди». 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Ўқитувчилар учун консультация. 20.55 «Меҳнат ютуқлари эстафетаси» (рус.). 21.25 «Халқаро театр кунига. «Островскийнинг уйи». Телеспектакль. 2-қисм (рус.).

29 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.45 «АБВГДейка». 10.15 «Ота-оналар, сиалар учун». 10.45. Болалар учун. «Айиқча Ниданинг саргузаштлари». Илмий-оммабоп фильм. 12, 13-сериялар. 11.20. «Қалбга яқин қушиқлар». 12.15. «Спортлото» тиражи. 12.25 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 13.40 «Адресимиз — Совет Иттифоқи». Донецк шаҳар бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида программа. Донецкдан олиб кўрсатилади. 14.20. «Эрмитаж». Эрмитаж биноси», Эрмитаж директори, академик Б. Б. Пиотровскийнинг кириш сўзи билан бошланади. 14.50 «Дунё воқеалари». 15.05 Болалар учун. «Ҳаворанг чашка». А. Гайдарнинг шу номли повести асосида телевизион бадиий фильм.

16.05 «Талабаларингизга биноан учрашувлар». Карелия АССР Кондопожск целлюлоза-қоғоз комбинати ходимларининг саволларига жавоблар. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 17.05. «Мўъжизасиз мўъжизалар». 18.05. Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенскийнинг чиқиши. 18.35 «Капитан Врунгелнинг саргузашти». Кўп сериялы мультфильм премьераси. 13-серия. 18.45. «9-студия» Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.45 «Қўшиқ ҳамиша бизга ҳамроҳ». Бутуниттифоқ телевизион конкурси лауреатлари ва дипломантларининг концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Бутуниттифоқ конкурси лауреатлари ва дипломантларининг концертининг давоми. Концерт тугагач (23.25.) — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I.

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Киргизистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар О. Шабдонова ва Т. Бадинов концерти. 10.50 Болалар учун. «Қўшиқ — қўшиқ жон» (рус.). 11.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 12.25. «Инсон ва қонун». 12.55. Болалар учун телеспектакль. Л. Устинов. «Севгисиз шаҳар». 1-қисм.

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». «В. И. Ленин декрети билан». Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 18.00 «Мук — тезюрар». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Шоирлар— болаларга. 18.45 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси VI халқаро Тошкент кинофестивалига. «Африка киносанъати». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Эргашева раққа тушади. 21.30. Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Замонамиз қаҳрамонлари». Шамси Назаров. 22.20. «Ўзбекистон куйлагай». Қорақалпогистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективлари телевизион фестивали голибларининг якунловчи концерти. 1-бўлим. (такрорий). 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.10 «Пионер» студияси. 18.30 «Новости» информацион программаси. 18.45 Москва. «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.45. «Киноэкран янгиликлари». 20.30. «Ахбор» информацион программаси. 20.50 «Чашма». Халқ ижодиёти клуби. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

4 бет ЮШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-38-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

28 МАРТ, 1980 й. Р—07154 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2002.) 10